


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии  
(төмир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг малака  
талаблари*

Тошкент



## **СЎЗ БОШИ**

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202<sup>1</sup> йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 202<sup>1</sup> йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофик ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши..</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....</i>	4
1.2.1.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи.....	10

# **1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи**

**70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

## **1.1. Қўлланиш соҳаси**

### **1.1.1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини хисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– магистратура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

### **1.2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг таснифи**

#### **1.2.1. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг соҳалари.**

**70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, олий, ўрта маҳсус ва профессионал, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида замонавий транспортда ташишини ташкил этиш ва бошқариш технологияларини ишлаб чикиш, мавжудларини такомиллаштириш ва татбиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги бошкармалар, минтақавий темир йўл узеллари ва станцияларида ва поездлар харакатини ташкил этиш ва бошқаришга қаратилган усуслари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг қасбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

#### **1.2.2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарииш (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг обьектлари:**

– темир йўл транспортида поездлар харакатини ташкил этиш тизимлари ва

курилмаларининг технологик жараёнлари;

– минтакавий темир йўл узели, станциялар, локомотив ва вагонлар, автоматика ва телемеханика, сигнализация ва алоқа, йўл хўжалиги, электр таъминот дистанциялари ва уларнинг тассаруфидаги тажриба-синов лабораториялари ҳамда темир йўлларда ташишни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган жараёнлар;

- илмий-тадқиқот жараёни;
- ўқув жараёни.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

#### **1.2.3. 70713201 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқарииши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти;
- ўқув жараёни.

*Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

*Магистратура битириувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.*

#### **1.2.4. 70713201 – Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқарииши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70713201 – *Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқарииши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битириувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:*

##### **Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- халқаро тажрибаларга мувофиқ темир йўл транспорти соҳасидаги мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича халқаро тажрибаларга мувофиқ экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишланиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориши, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;
- темир йўл транспортида ташиш ишларини ташкил ва бошқаришда мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни кўллаши;
- транспортда ташиш ишларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқ қилиши ва ишлаб чиқиш;
- намунавий услубиётлар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиши ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- илмий хужжатлар ва хисоботларни ишлаб чиқиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir килиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш;

- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чикиши, реферат ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, илмий жараёнларда иштирок этиш;
- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, халқаро тажрибалардан фойдаланиш;
- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чикиши;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан ОТМ кафедраси маҳсус филиалларида ўтказиш қобилиятига эга бўлиш;
- ўкув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўкув машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўкув-методик мажмуналарни ишлаб чиқиши қобилиятига эга бўлиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий хужжатларни ишлаб чикиш.

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

- поездлар ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни тузиш ва юритиш;
- поездлар ҳаракат хавсизлиги ва ташиш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни билиш;
- поездлар ҳаракатини ташкил этиш технологик жараёнларини такомиллаштириш бўйича халқаро тажрибаларга мувофиқ янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиши ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинишини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқиши ҳамда таҳлил қилиш жараёнида халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологияларни қўллаш, техниковий-иқтисодий таҳлил қилиш, қабул қилиниб амалга оширилаётган қарорларни комплекс асослаш, ишларни бажариш циклини кискартириш имкониятларини излаб топиш, уларни бажариш жараёнига ва зарурий техниковий маълумотлар, материаллар, жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашиш;
- техник хужжатларни ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиш;
- технологик жараёнлар ва уларнинг элементлари бўйича синовлар ўтказиш;
- информацион хизмат кўрсатиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш, метрологик таъминот ва техник назорат қилиш;
- замонавий техник воситалардан фойдаланиб зарурий лойиҳаларни бажариш;
- компьютер технологияларини ривожланиши жараёнида хосил бўладиган янги масалаларга тез мослашиш учун олинган назарий билимларни қўллай олиш, зарур холларда тезкор қарорлар қабул қилиш;
- маълумотларни йиғиши, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- ахборот технологиялари учун алгоритмларни ишлаб чиқиши ва тадқик этиши;
- тизимли ва амалий дастурий таъминот маҳсулотларини, дастурлар мажмуасини, алгоритмик ва дастурлаш тилларини ўрганиш;

- илмий ва лойиҳавий-конструкторлик-технологик фаолият муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- станцияларда вагонларни йиғиш параметри ва туриш вагон соатларини аниқлаш бўйича амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш;
- поездлар харакатини ташкил этиш тизимлари ишларини самарали бошқаришда янги технологик жараёнларни ўзлаштириш ва мавжудларини такомиллаштириш бўйича амалий масалаларини ечиш учун халқаро тажрибаларга мувофиқ янги технологияларни ишлаб чиқиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- темир йўл транспортида ташиш ишларини ташкил этиш ва поездлар харакатини ташкил этиш тизимларидан фойдаланишда халқаро тажрибаларга мувофиқ технологик жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин харакат хавфсизлигини таҳлил қилиш ва бошқариш;
- Транспортда ташишни ташкил этиши ва бошқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- поездлар харакатини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ижрочилар ва илмий-тадқиқот жамоаси ишини режалаштириш, ташкил қилиш ва информацион масалаларини ечиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини кабул қилиш;
- қабул қилинаётган қарорларни миқдорий ва сифат бўйича баҳолаш, илмий ютуқларни кўллай олиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуслари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитиши ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш.

#### **Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:**

- халқаро тажрибаларга мувофиқ темир йўл транспортида ташишни ташкил этиш ва бошқариш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;
- халқаро тажрибаларга мувофиқ намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг халқаро тажрибаларга мувофиқ инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

## **2. 70713201 – Транспортда ташишини ташкил этиши ва бошқарии (темир йўл транспортни) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар мөҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий хужжатлардан фойдалана олиш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойихаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни қўллай билиши;
- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича хавфсиз математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;
- ўз фаолиятида меъёрий хукуқий хужжатлардан фойдалана билиш;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиш, методларни таснифлаш, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;
- ахборотни тўплаш, саклаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашгандан жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;

–илмий-текширув ишлари тузилмаси, босқичлари, статистик услублари, аниклаш асослари, кашфиёт ва патентга хужжатларини расмийлаштиришни билиш, илмий билиш методологик предмети, илмий-тадқиқотда гипотезалари, таҳлил ва гипотезалари, тадқиқотнинг тизимли методларини танлаш;

–махсус фанларни ўқитиш методикасига кўникма ва малака шакллантириш, педагог анъаналари бўйича тасаввурга эга бўлиши, ўкув юкламалари, ўкув-услубий ишлари, илмий ва тарбиявий ишлари, ўкув режалари, янги педагогик технологиялар, ўкув жараёни эффективлиги ва технологиясини ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

–транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш ахборотни химоя остига олиш, берилаётган, сакланаётган ва қайта ишланилаётган ахборотни ишончлилигини тизимли тарзда таъминлаш мақсадида турли восита ва усуулларни қўллаш, чораларни кўриш ва тадбирларни амалга ошириш;

–ташишни ташкил этиш ва бошқариш тизимларини асосини ташкил этувчи таърифлар ва тамойилларини билиш;

–ташиш ишларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш курилмалари ва воситаларига техник хизмат кўрсатиш тартибларини билиш;

–темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигига доир асосий талабларни билиш;

–темир йўл транспортида технологик жараёнлар самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш учун замонавий технологиялар тизимини лойихалаш, дастурий таъминот, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи технологияларни қўллай олиш малакасига эга бўлиши;

–меъёрий-хуқукий хужжатларни иқтисодий экспертизадан ўтқазишни билиши.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

### Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандартлари, Малака талаблари, ўкув-меъёрий хужжатлар, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим мутахассислиги, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, ўкув цикли, поездлар ҳаракатини ташкил этиш, техник воситалар, техник воситаларнинг носозлиги таҳлили, методология, махсус фанларни ўқитиш методикаси, транспортда ташишни ташкил этиш ва бошқариш назарияси, ташиш ишларини бошқариш таҳлили, ташишни ташкил этишда ҳаракат хавфсизлигини меъёrlаш, поездлар ҳаракатини ташкил этиш кўрсаткичлари, темир йўл транспортида ташишни ташкил этишни автоматлаштириш тизимлари, дастурий таъминот ахборот-коммуникатив тизимлар, халқаро тажрибаларга мувофиқ замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, халқаро тажрибаларга мувофиқ илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, илмий семинар, илмий жараён, илмий-тадқиқот гипотезалари, илмий макола, маъруза, рисола, конференция, симпозиум, кашфиёт, патент, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, педагогик технологиялар, ўкув адабиёт, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария, электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов




КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги  
Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосарини А.Муминов


202 йил «» М.Ў.



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ  
Персонални бошқариш ва кадрларни  
тайёрлаш бошқармаси

И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Бошқарма  
бончиги  А.Хамроев

Ректор  С.Турабджанов

